



ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЁТДАГИ АКС-САДОСИ

ЭЗГУ ЎЗГАРИШЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан учрашди.

Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг ҳудудларда олиб борган ўрганишлари фақатгина рақамлар ёки ҳисоботларни таҳлил

қилиш билан чекланмади. Энг муҳими, бу жараёнлар аҳолининг кундалик ҳаётидаги ўзгаришларни кўриш, одамларнинг фикрини эшитиш ва амалга оширилаётган ишлар ҳақиқатда қандай натижа бераётганини баҳолаш имконини берди.

► (Давоми 4-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА ОИД МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Парламент қуйи палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишини кузатар эканмиз, қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг мазмун-моҳияти, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, аҳоли ҳаётида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиши ва мамлакатимиз тараққиёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиши кераклигига яна бир бор амин бўлдик.

Йиғилиш давомида муҳокама қилинган масалалар, билдирилган фикр ва таклифлар шунинг кўрсатдики, қонун ижодкорлиги жараёнида асосий эътибор халқнинг кундалик ҳаётидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш, ҳудудларнинг барқарор ривожини таъминлаш ҳамда жамият эҳтиёжларига мос самарали ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

Аюна Ватан, аюна халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

Инсон ҳаётида шундай муқаддас тушунчалар борки, улар вақт ўтгани сайин янада қадрли бўлиб боради. Мустақиллик ана шундай бебаҳо неъмат. У халқнинг эркин яшаш ҳуқуқи, ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллий ғурури ва келажакка бўлган ишончининг рамзидир.

Аслида 35 йил тарих учун унча катта муддат эмас. Лекин ана шу давр мобайнида мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, асрга татигулик ишлар амалга оширилганини кўришимиз мумкин. Айниқса, кейинги ўн йил мамлакат ҳаётида кенг кўламли ислоҳотлар, очиқлик сиёсати, иқтисодий либераллашув ва инсон қадрини улуғлаш тамойили асосидаги туб бурилишлар даври сифатида тарих зарварақларига муҳрланди.

► (Давоми 3-бетда)

ИНСОН ЎЗИНГ...



КЕЧА БИЛАН ЭРТАНИ БОҒЛОВЧИ МАЪНАВИЙ КЎПРИК

7



КЕЛАЖАК ВА ЁШЛАР



1 МИЛЛИОНДАН 40 МИЛЛИОНГАЧА

Бундан йигирма-ўттиз йил аввал ота-оналар фарзандининг келажagini тасаввур қилар экан, унинг кўлида дипломи бор шифокор, муҳандис ёки банк ходими бўлишини орзу қиларди. Эрталаб соат саккиздан кечки олтигача давом этадиган иш графиги, барқарор ойлик ва нафақа ёшигача бир жойда ишлаш — муваффақиятнинг асосий ўлчови эди. Аммо бугунги авлоднинг орзулари ҳам, иш олиб бориш услублари ҳам бутунлай бошқача. Улар эрталаб костюм-шим кийиб офисга шошилмайди, лекин ўз уйида ўтириб, дунёнинг энг йирик компаниялари лойиҳаларида иштирок этади.

► (Давоми 6-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА ОИД МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар томонидан билдирилган ҳар бир таклиф ва ташаббусда, аввало, фуқаролар манфаати, юрт тараққиёти ва ислохотларнинг амалий натижадорлигини таъминлашга қаратилган ёндашувлар устувор бўлди. Чунки ҳар бир қабул қилинаётган қонун нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки инсонлар ҳаёти, уларнинг эртанги куни ва мамлакат келажагига дахлдор муҳим қарор эканини англаш муҳимдир.

ПРЕЗИДЕНТ АДМИНИСТРАЦИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Мажлисида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда ваколатларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидлаш лозимки, Янги тахрирдаги Конституциямизга мувофиқ мамлакатимизда миллий ва умуминсоний кадриятлар, давлатчилигимиз ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг самарали тизими яратилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Конституциямизда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти асослари алоҳида бобларда батафсил баён этилган.

Конституциямизнинг XIX боби Ўзбекистон Республикасининг Президентига бағишланган бўлиб, унда Президент давлат бошлиғи мақомида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши, шунингдек, унинг мамлакат бошқаруви ва тараққиётини таъминлашдаги ўта муҳим ваколатлари мустаҳкамланган. Конституцияда белгиланган Президент ваколатлари низоҳатда кенг қамровли бўлиб, уларнинг самарали амалга оширилишини ташкилий, ҳуқуқий ва таҳлилий таъминлаш Президент Администрацияси зиммасига юклатилган.

Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини амалга оширишни ташкилий, ҳуқуқий, таҳлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини шакллантиради ҳамда унинг раҳбарини тайинлайди. Президент Администрациясининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколатлари қонун билан белгиланиши назарда тутилган.

Юқоридаги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, Президент Администрациясининг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишларини конституциявий қонун даражасида белгилашга қаратилган.

Лойиҳада Администрация Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилиши, шунингдек, Администрацияга Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан



озод этиладиган Администрация раҳбари бошчилик қилиши белгиланмоқда.

Администрациянинг мақоми, фаолиятининг асосий принциплари, таркибий тузилиши ва фаолиятини ташкил этиш тартиби, унинг давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқалари, Администрациянинг мансабдор шахслари, бошқарув ва хизматчи ходимлари фаолиятининг кафолатлари аниқ кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан Администрациянинг давлат органлари ва ташкилотларининг комплекенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари билан алоқалари очиб берилган.

Мазкур конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Президент фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий ва таҳлилий жиҳатдан таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда бошқарув жараёнларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалар якунига кўра, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ФОРМАЛИ КИЙИМ-БОШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТАЛАБЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

Мажлисида депутатлар давлат тузилмалари ходимларининг формали кийим-бошини қонунга ҳисоб равишда кийиб юриш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга давлат органларининг тасдиқланган ҳарбий ёки идоравий формали кийим-бошига адаштириб юбориш даражасида ўхшаш ҳамда унга хос фарқловчи белгилар ва (ёки) рамзларга эга формали кийим-бошни кийиб юрганлик ёки жорий этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда. Ушбу нормалар, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, давлат органларига бўлган ишончни мустаҳкамлашга қаратилган.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида унинг нормалари масъул қўмита ва депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида батафсил муҳокама қилиниб, депутатлар таклифлари асосида ҳужжат матни янада такомиллаштирилгани таъкидланди.

Мажлисида қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши формали кийим-бошлар билан боғлиқ қоидаларни янада тартибга солишга, уларни қонунга ҳилоф равишда кийиб юриш ёки жорий этиш

ҳолларининг олдини олишга, мазкур қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

Мажлисида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, қўпол қоидабузарликлар учун жавобгарлиқнинг таъсирчанлиги ва муқаррарлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

У билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексига вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш натижасида фуқаронинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган, одам ўлими ёҳуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан ҳолларда транспорт воситасини топширган шахсга жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф қилинмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш, автоматотранспорт воситалари пойгасини ноқонуний ташкил этиш ва унда иштирок этиш, юк транспорт воситаларини тунги вақтда йўл ҳаракати иштирокчиларига хавф туғдирадиган ҳолатда йўл четида қолдириш, транспорт воситасини ҳисобдан чиқариш учун алоҳида ва кучайтирилган жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маъмурий жазонинг янги тури — автоматотранспорт воситасини олти ойдан бир йилгача муддатга вақтинча олиб қўйиш чорасини жорий этиш таклиф қилинмоқда. Мазкур жазо йўл безорилиги, ноқонуний пойга ташкил этиш, транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқариш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаш каби қилмишлар транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум

этилган шахс томонидан содир этилганда қўлланилиши белгиланмоқда. Ушбу жазо чораси қонунда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишлари бўйича туман ёки шаҳар суди томонидан қўлланилади.

Қонун лойиҳасида транспорт воситасини мастлик ҳолатида бошқариш ёки тегишли текширувдан ўтишдан бўйин товлаш учун белгиланган жазо чораларини такомиллаштириш, шунингдек, айрим қўпол қоидабузарликлар такроран содир этилганда жаримани чегирма билан тўлаш тартибини муайян муддат давомида қўлламаслик ҳам назарда тутилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасининг асосий мақсади жазоларни кучайтириш эмас, аввало, хавфли ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳайдовчиларнинг масъулиятини ошириш ва йўлларда инсон ҳаёти устуворлигини таъминлашга қаратилганини таъкидладилар.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

Бугунги кунда инсоннинг аклий меҳнати, ижодий ёндашуви ва янги ғоялари жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланиб бормоқда. Яратилган ҳар қандай ихтиро, бренд, технология ёки ижодий маҳсулот нафақат унинг муаллифи, балки иқтисодиёт ва жамият ривожига учун ҳам катта аҳамият касб этади. Шу боис интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, ундан самарали фойдаланиш ва унинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш эса яратувчанликни рағбатлантириш ва янги имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Мажлисида интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик муомаласидаги айланмасини ошириш ҳамда патент вакилларининг ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан интеллектуал мулк гаровида унга доир мулккий ҳуқуқларнинг бекор қилиниши ёки қийматининг пасайиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар аниқ тартибга солинмоқда. Қолаверса, патент вакилларининг интеллектуал мулкка оид ишлар бўйича судларда шартнома асосида (ихтиёрий) вакил сифатида иштирок этиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, ҳужжат билан давлат хизматлари марказлари орқали интеллектуал мулк

объектларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар топшириш имконияти ҳам яратилмоқда. Бу эса интеллектуал мулкни рўйхатдан ўтказиш жараёнини аҳоли, тадбиркорлар учун қулайлаштиришга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва зарурати юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини беришди. Шунингдек, айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди. Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб ўтишди.

Мажлисида лойиҳа билан қонунчиликка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштиришга, уларнинг мулккий ҳуқуқларидан гаров сифатида фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилгани қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН МЕДИАЦИЯ БЎЙИЧА СИНГАПУР КОНВЕНЦИЯСИГА ҚЎШИЛМОҚДА

Мажлисида “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг медиация натижасида эришилган халқаро келишув битимлари тўғрисидаги конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистоннинг “Медиация бўйича Сингапур конвенцияси” номи билан танилган халқаро ҳужжатга қўшилиши назарда тутилмоқда. Мазкур конвенция халқаро тижорий низолар бўйича медиация натижасида тузилган келишувларни иштирокчи давлатларда тан олиш ва ижро этишнинг ягона ҳуқуқий механизмларини белгилайди.

Хусусан, Ўзбекистон тадбиркори хорижий ҳамкори билан келиб чиққан низони медиация орқали ҳал қилиб, келишувга эришган тақдирда, бу келишувни конвенция иштирокчиси бўлган бошқа давлатда ижро этиш имконияти енгиллашади. Натижада тарафларнинг келишувни бажартириш учун низони қайтадан судда кўриб чиқишга бўлган эҳтиёжи камаяди.

Қонун лойиҳасида Конвенцияни қўллаш билан боғлиқ айрим шартларни белгилаш ҳам назарда тутилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси, давлат органи ёки давлат органи номидан ҳаракат қилувчи шахс тараф бўлган келишувларга Конвенция қоидаларини татбиқ этмаслик таклиф этилмоқда.

Шунингдек, конвенция фақат келишув тарафлари уни ўз муносабатларига нисбатан қўллашга розилик билдирган тақдирдагина татбиқ этилиши белгиланяпти. Бу эса тадбиркорлик субъектларига мазкур халқаро механизмдан фойдаланиш масаласини мустақил ҳал этиш имконини беради.

Мажлисида ушбу конвенцияга қўшилиш мамлакатимизда медиация институтини янада ривожлантириш, халқаро тижорий низоларни қисқа муддатда ва кам харажат билан ҳал этиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилиши қайд этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, хорижий инвесторларнинг миллий ҳуқуқий тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлашга ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қўмаклашиши таъкидланди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Депутатлар адлия вазири А.Тошқуловга “Аҳолига нотариат соҳасидаги хизматларнинг сифатли ва шаффоф тарзда кўрсатилишини ҳамда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқишди.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**



Яна Ватан, яна халқ бўлиб,
яни ҳаёт ва келажак яратамиз!

АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР



Эркин ГАДОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Бюджет ва иқтисодий
масалалар қўмитаси раиси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

2017 йилдан бошланган ислохотлар мамлакат тараққиётининг мутлақо янги босқичига асос солди. Ҳаётимизда содир бўлган, айна пайтда давом этаётган ўзгаришлар фикримизни тасдиқлайди. Давлат бошқарувини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Қисқа вақт ичида юзлаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, давлат хизматлари тизими тубдан такомиллаштирилди. Бугун аҳоли ва тадбиркорларга электрон шаклда юзлаб давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Бу эса вақт ва маблағни тежаш, коррупция хавфини камайтириш ҳамда давлат бошқаруvinинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойил тўлақонли равишда давлат ва жамият ҳаётига чуқур сингиб кетди, қатъий қоидага айланди. Инсон ва унинг қадри ҳар нарсадан устунлиги белгиланди. Аввало, ушбу тамойил янгиланган Конституцияда мустаҳкамланди. Яъни “давлат – жамият – инсон” эмас, балки, “инсон – жамият – давлат” деб ўзгартирилди.

Яна бир муҳим жиҳат, Бош қомусимизнинг 1-моддасида Ўзбекистон илк бор “суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” сифатида қатъий белгилаб қўйилди. Бу давлат сиёсатининг инсон манфаатига хизмат қилишини кафолатлайди. Дунё амалиётида ижтимоий давлат деганда, биринчи навбатда бепул ёки арзон таълим, юқори сифатли тиббий хизмат, камбағалликка қарши кучли ҳимоя тизими тушунилади. Шунингдек, меҳнат бозорида ҳуқумат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамкорлигига асосланган “уч томонлама модел”, инклюзив жамият ва тенглик принципларига устувор эътибор қаратилган бўлади. Шунга монанд тарзда меҳнат, ижтимоий ҳимоя, уй-жой, тиббиёт, ижтимоий нафақа ва ёрдам каби қатор ҳуқуқлар аниқ белгилаб қўйилди. Нафақа ва ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи кафолатланди, камбағалликка қарши самарали чоралар кўриш давлат зиммасига юклатилди.

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЮКСАЛИШ ДАВРИ

Тараққиётнинг ҳақиқий мезони вақт билан эмас, натижа билан ўлчанади. Чунки ҳар бир ислохот, ҳар бир янгиланиш, аввало, мамлакат иқтисодий қудратида, халқ фаровонлигида ва инсонлар ҳаётидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Мустақиллиkning кейинги ўн йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётида кузатилаётган юксалишлар ҳам ана шу ҳақиқатнинг амалий ифодасидир. 2017 йилдан бошланган янги тараққиёт босқичи мамлакат иқтисодий ҳаётида туб янгиланишларга йўл очди. Бу ўзгаришларни рақамлар тили ҳам яққол ифодалайди. Агар 2017 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ҳажми қарийб 60 миллиард АҚШ доллари атрофида бўлган бўлса, 2025 йил якунига келиб бу кўрсаткич 145 миллиард доллардан ошди. Бу қисқа тарихий давр ичида мамлакат иқтисодий салоҳияти қарийб икки ярим баробарга қян кенгайганини англатади. 2025 йилда мамлакат иқтисодиёти 7,7 фоизга ўсгани ҳам ислохотларнинг изчил

натижаси сифатида баҳоланади. Ушбу ўсишда саноат, қурилиш ва хизматлар соҳасининг фаол ривожланиши муҳим ўрин тутди. Хусусан, қурилиш соҳасида 14,2 миллиард доллардан ошгани Ўзбекистоннинг халқаро бозорлардаги ўрни тобора мустаҳкамланаётганини кўрсатади. Шунингдек, 43 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестициялар жалб этилгани мамлакатга бўлган ишонч ва унинг иқтисодий имкониятларига қизиқиш ортиб бораётганидан далолатдир. ТАЪЛИМДАГИ ИЗЧИЛЛИК

Бугун инсоният рақамли инқилоб ва сунъий интеллект асрига шиддат билан кириб бормоқда. Бу эса башарият ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда, янги имкониятлар ва янги цивилизацияон босқичларга йўл очмоқда. Бироқ ана шу улкан ўзгаришлар замирида ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотмайдиган бир ҳақиқат мужассам. Яъни ҳар қандай тараққиётнинг бош мандаи, ҳар қандай юксалишнинг ҳал қилувчи кучи инсоннинг интеллектуал салоҳиятидир. Демак, миллатнинг эртанги кунини, мамлакатнинг рақобатбардошлигини билимли ва маънавий баркамол авлод белгилайди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Нажот - таълимда, нажот - тарбияда, нажот – билимда”дир. Кейинги йилларда таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида ёшларнинг билим олиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди. Олий таълим муассасалари сони қарийб икки баробар ошиб, 200 дан зиёдни ташкил этмоқда. Янги давлат ва нодавлат университетлар, нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиалларининг ташкил этилиши ёшлар учун янги билим ва тажриба эшикларини очди.

Бу жараён мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Янги боғча ва мактабларнинг барпо этилиши, таълим дастурларининг замон талаблари асосида янгиланиши, рақамли технологияларнинг ўқув жараёнига кириб келиши ёш авлодни янги аср талабларига мос тайёрлашга хизмат қилмоқда. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йилнинг январь–май ойларида мамлакатда таълим соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 18,8 триллион сўмга етган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21 фоизга кўп. Бу рақамлар оддий статистика эмас. Улар мамлакатда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар ошиб бораётганини, аҳоли таълимни харажат эмас, балки келажакка киритилаётган сармоя сифатида қабул қилаётганини англатади. ОҚИЛОНА ТАШҚИ СИЁСАТ

Давлатимиз раҳбари ташқи сиёсий фаолиятда устувор йўналиш сифатида Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро дўстона, яхши қўшничилик муносабатларини шакллантиришни устувор вазифа этиб белгилади. Эндиликда нисбатан қисқа давр ичида бу йўлда амалга оширилган ишларни халқаро ҳамжамият ҳам тан оляпти. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ташаббуси билан 2017 йилда давлат раҳбарлари иштирокида маслаҳатлашув кенгаши ташкил этилиши муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу орқали етакчилар бевосита минтақада йиғилиб қолган муаммолар – иқтисодиёт, давлат чегараларини аниқлаш, хавфсизлик чоралари, озик-овқат хавфсизлиги, миграция каби кўплаб муҳим соҳаларда ҳал қилинмай келаётган масалаларни ечишга йўл очилди. 2018 йил март ойида Остона шаҳрида биринчи марта Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари биринчи маслаҳатлашув саммити бўлиб ўтди. Шундан буён давлат раҳбарлари айна форматда 6 марта учрашди. Шу ўринда Ўзбекистон учун Марказий Осиё давлатлари билан муносабатни шундай тизимлаштириш, ёндашувларни мақбуллаштириш, яқинлаштириш ва бирга ҳаракат қилиш нима учун

муҳим, деган савол юзага чиқади. Биринчидан, Ўзбекистонда Марказий Осиёнинг деярли ярим аҳолиси яшайди. Шу билан бирга айна пайт Марказий Осиё мамлакатлари ҳам иқтисодий жиҳатдан ўсмоқда. Иккинчидан, минтақанинг барча давлатларида тўғилиш суръати ижобий. Учинчидан, дини, ўтмиши бир бўлган халқларимиз бир ҳудудда яшаб, икки дарёдан сув ичади. Улкан салоҳиятга эга минтақамиз дунё ҳамжамиятида иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан ўз жозибасини намоён этиш имкониятидан унумли фойдаланиши керак.

Айни устувор вазифаларни бажариш, олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун олиб борилаётган амалий ҳаракатлар бугун самарасини бермоқда. Мустақиллиkning кейинги 10 йилида мамлакатимиз ташқи сиёсатида яна бир масалага жиддий ўрғу берилди. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг энг муҳим жиҳатларидан бири – ташқи сиёсатнинг иқтисодий мазмун билан бойитилганидир. Бугунги кунда халқаро муносабатларда иқтисодий омиллар устувор аҳамият касб этаётган бир пайтда Ўзбекистон ҳам ўз ташқи сиёсатини иқтисодий манфаатлар билан уйғунлаштирмоқда.

Аввало, стратегияда экспорт географиясини диверсификация қилиш вазифаси қўйилган. Бу орқали диёримиз янги ва истикболли бозорларга чиқишни мақсад қилган. Шунингдек, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар улущини ошириш орқали экспорт сифат жиҳатдан ҳам яхшиланиши кўзда тутилган. Иккинчидан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу борада инвестициявий муҳитни яхшилаш, ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Учинчидан, рақамли иқтисодиёт ва инновацион ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон глобал технологик жараёнлардан четда қолмаслик учун халқаро IT-компаниялар, стартап экотизимлари ва инновацион марказлар билан ҳамкорликни кучайтиришни режалаштирмоқда. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик тўғайли барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Шундай экан, истиклолнинг қадрига етиб, бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ҳаётий ислохотларнинг бардавом бўлиши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда. Айниқса, инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шaroитини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борада қабул қилинаётган янги ташаббуслар нафақат ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, балки уларнинг аҳоли учун янада қулай ва манзилли бўлишини таъминлашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Президент ҳузурида ўтказилган тақдиротда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни таълим ва ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш, муайян яшаш жойига эга бўлмаган ҳамда одам савдосидан жабрланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, имтиёзли транспорт хизматларини рақамлаштиришга оид таклифлар илгари сурилди.

Таъкидланганидек, эҳтиёжманд шахсларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги уч йилда ижтимоий хизматлар сони 23 тадан 140 тага етди. Ҳар йили ўртача 4,6 миллионта, жумладан, маҳалла даражасида қарийб 2 миллионта ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган 168 мингдан ортиқ бола бор. Уларнинг 133,8 минг нафари таълим ва ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган. Яна 34,6 минг нафар болани таълимга жалб этиш зарур. Шундан келиб чиқиб, эндиликда ижтимоий ходимлар томонидан “оилабай” ишлаш тизими йўлга қўйилади. Ҳар бир боланинг эҳтиёжлари эрта босқичда ва комплекс баҳоланиб, унга мос таълим муҳити ҳамда зарур хизматлар

ЯНАДА ҚУЛАЙ, СИФАТЛИ ВА МАНЗИЛЛИ

белгиланади. Янги баҳолаш механизми 2026 йил 1 октябрдан Қоразм ва Навоий вилоятларида тажриба тариқасида жорий этилади. 2026/2027 ўқув йилидан махсус мактабларда таълим боланинг эҳтиёжлари, функционал имкониятлари ва ўзлаштириш даражасидан келиб чиқиб тузиладиган индивидуал режалар асосида ташкил этилади. Қўзи ожиз педагогларга, шунингдек, махсус мактабларнинг бошланғич синфларига шахсий ассистент ва ёрдамчи ходимлар ажратилади. Ногиронлиги бўлган болаларнинг уйига яқин жойда таълим олишига шароит яратиш мақсадида коррекцион синфлар ташкил этган нодавлат мактабларга ҳар бир ўқувчи учун субсидия ажратилади. Ҳар йили камида 50 та мактабнинг инклюзив муҳитни яхшилашга қаратилган ташаббуслари грант асосида молиялаштирилади. 2027 йилдан болаларни матни ўқиш қурилмалари, овоз синтезаторлари, Брайл дисплеялари ва бошқа ассистив жиҳозлар билан ваучер асосида таъминлаш таклиф этилди. 2027/2028 ўқув йилидан эса ногиронлиги бўлган шахсларга кириш ва сертификат имтиҳонларида қўшимча вақт, Брайл алифбоси, сурдотаржимон, ассистент ва бошқа зарур қўлайликлар тақдим қилинади. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам янги ёндашувлар ишлаб чиқилган. Ҳозир республикада жами 726 ўринга мўлжалланган 11 та реабилитация маркази фаолият кўрсатмоқда. 2026 йилнинг биринчи ярмида уларга 1,1 минг нафар шахс жойлаштирилган.

Янги таклифга кўра, амалдаги реабилитация муассасалари вақтинчалик бошпана ва ижтимоий тикланиш марказларига айлантирилади. Бошпанасиз шахслар ушбу марказларга ўз мурожаати асосида, “маҳалла еттилиги”нинг ўрганиш натижаларига кўра ёки ижтимоий ходим ва профилактика инспектори кўмагида жойлаштирилади.

Эҳтиёжманд шахсларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги уч йилда ижтимоий хизматлар сони 23 тадан 140 тага етди. Ҳар йили ўртача 4,6 миллионта, жумладан, маҳалла даражасида қарийб 2 миллионта ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда.

Эътиборлиси, бу марказлар фақат тиббий ва ижтимоий хизматлар билан чекланиб қолмайди. Бу ердаги ҳар бир кўмакка муҳтож шахснинг касб-хунар ўрганиши ва ишга жойлашиши, яъни жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳам зарур чоралар кўрилади. Бандлиқни қўллаб-қувватлаш бўлинмалари ташкил этилиб, тадбиркорларга бўш жойлар имтиёзли шартларда ижарада берилади. Бошпанасиз шахсларга касбга ўқиш учун ваучер ажратиш, уларни ижтимоий эҳтиёжманд тоифалар қаторига киритиш ва улар учун ёш ўринларини захиралаш назарда тутилмоқда. Нодавлат ташкилотларга давлат ижтимоий бюртмаларини жойлаштириш орқали вақтинчалик бошпана, иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминлаш қамрови кенгайтирилади. Тақдиротда, шунингдек, одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш ва реабилитация қилиш

механизмларини кучайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. 2026 йил 1 сентябрдан «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари орқали маҳалла ва туман даражасида жабрланганларни баҳолаш ва тегишли хизматларга йўналтириш тизими жорий этилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги ҳудудий марказларда одам савдосидан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини қабул қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, қўшимча 40 та ўрин яратилади. Имтиёзли транспорт хизматларини рақамлаштириш ҳам аҳолига қўлайлик яратадиган муҳим янгиликлардан бири бўлади.

Бугунги кунда 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, Чернобыль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашган 48,4 мингдан зиёд фуқаро бундай имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Эндиликда 11 тоифадаги фуқароларга ҳаво, темир йўл ва шахарлараро транспортда бепул юриш ёки 50 фоизлик чегирма берилади. Қоғоз талонлар бекор қилиниб, чипта хариди учун ID-карта ёки биометрик паспортни тақдим этиш кифоя қилади. Имтиёз ҳуқуқи “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали текширилади. 2027 йил 1 январдан имтиёзли авиа, темир йўл ва шахарлараро автобус чипталарини “Вагака” ижтимоий карта мобиль иловаси орқали онлайн харид қилиш имконияти яратилади.

Ўз муҳбиримиз.

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Қорақалпоғистонга қадам қўйган инсон бу юртнинг ўзига хос руҳини ҳис қилади. Бу заминда меҳнатни қадрлайдиган, ҳалол ризқ ортидан юрадиган, қийинчилиқни ҳам сабр билан енгадиган инсонлар яшайди. Шунинг учун бу ерда қуриладиган ҳар бир корхона, яратиладиган ҳар бир иш ўрни ёки амалга ошириладиган ҳар бир ислохотни оддий рақамлар билан баҳолаб бўлмайди. Унинг ҳақиқий қиймати одамлар ҳаётида, хонадонлар кайфиятида ва келажакка бўлган ишончда намоён бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улғабек Иноятوف партияимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши мутасаддилари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда Беруний ҳамда Бўзатов туманларида бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа объектилари ҳамда маҳаллалар фаолияти билан танишди. Бу таширнинг энг муҳим жиҳати шундаки, одамлар билан юзма-юз мулоқот қилинди, уларнинг фикрлари, дарди ва тақлифлари тингланди. Зеро, кабинетда ўтириб туриб ҳаётни ҳис қилиб бўлмайди. Ҳаёт одамлар орасида, уларнинг меҳнати ва турмушида намоён бўлади.

Беруний туманидаги “Райхон Аппарель” текстил фабрикасида бугун 450 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқариладиган трикотаж махсулотлари хориж бозорларига чиқмоқда. Аммо бу ердаги энг катта ютуқ экспорт кўрсаткичи эмас. Энг катта бойлик — ҳам фарзандларини тарбия қиладиган, ҳам оиласига таянч бўладиган аёлларнинг ишонч билан меҳнат қиладиганидир. Чунки аёлнинг қўлида иш бўлса, хонадонда барака бўлади. Барака бор жойда эса келажакка ишонч мустаҳкамланади.

Корхонада хотин-қизлар билан самимий мулоқот ўтказилди. Улар меҳнат шариоити, иш жараёни ва кундалик фаолиятда учраётган масалалар ҳақида очиқ фикр билдирди. Сўхбат давомида бир ҳақиқат яна бир бор англашилди: инсонни фақат эшитишнинг ўзи кам. Уни тушуниш, муаммосига ечим излаш ва фикрини қадрлаш ҳам муҳим. Ана шунда одам ўз меҳнатининг қадри борлигини ҳис қилади.

Бўзатов туманидаги санаторийда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати, мавжуд имкониятлар ва яратилган шариоитлар ўрганилди. Инсон соғлом бўлса, унинг орзулари ҳам катта бўлади. Соғлиқ ҳар қандай тараққиётнинг пойдевори. Шунинг учун тиббиёт соҳасига қаратиладиган эътибор, ҳар бир янги жиҳоз ёки қулайлик аслида инсон умрига, оила бахтига хизмат қилади.

Навбатдаги манзил “BULTEX PRO” текстиль корхонаси бўлди. Бу ерда ҳам меҳнат қайноқ, ҳаракат тинимсиз. Ҳар бир тикув машинасининг овози ортида қимнингдир орзу-интилиши, фарзанди учун қилган ҳаракати, ҳалол меҳнати муҳассам. Айниқса, хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шариоитлари, хавфсиз иш муҳити ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари уларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаётгани қувонарлидир.

Ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили “Қўсханатов” овул фуқаролар йиғини бўлди. Бу ерда “маҳалла етилиги” аъзолари билан очиқ мулоқот ўтказилди. Аҳолини қийнаётган масалалар, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва ёшлар тарбияси юзасидан фикр алмашилди. Маҳалла — бу фақат алоҳида ҳудуд эмас. Бу одамларнинг қувончи ҳам, таъшиши ҳам бирлашадиган, оғир кунда елкадош бўлинадиган

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЁТДАГИ АКС-САДОСИ ЭЗГУ ЎЗГАРИШЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

маскан. Шунинг учун маҳаллада айтилган ҳар бир мурожаат ортида бир инсоннинг тақдири, бир оиланинг умиди турганини унутмаслик керак.

Учрашувлар давомида ҳар бир манзилда битта умумий жиҳат яққол кўзга ташланди: одамлар, аввало, уларни тинглайдиган, муаммосини эшитадиган ва амалий ечим излайдиган муносабатни қадрлайди. Ишонч ҳам ана шундай мулоқотлар орқали мустаҳкамланади.

Бу галги учрашувлар яна бир ҳақиқатни тасдиқлади:

қилаётгани қайд этилди.

Депутат ўрганиш давомида фақат корхона фаолияти билан чекланиб қолмади. “Убайд” маҳалласида “маҳалла етилиги” томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Айниқса, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, ижтимоий муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга ечим топиш борасидаги ишлар муҳокама қилиниб, мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Шундан сўнг чекка ҳудуд



тараққиётни баланд бинолар ёки катта рақамлар билан эмас, инсоннинг юзидаги табассум, хотиржамлиги ва эртанги кунга бўлган ишончи билан ўлчаш керак. Ишли инсоннинг кайфияти ҳам, орзуси ҳам бошқача бўлади. Меҳнати қадрланган аёл, соғлом фарзанд тарбияладиган оила, муаммосига ечим топган фуқаро — ислохотларнинг энг катта натижаси ана шудир. Янги иш ўринлари яратиладиган, хотин-қизлар меҳнати қадрланаётган, одамларнинг мурожаатлари эшитилиб, уларга амалий ечим изланаётган жойда ислохотлар қоғозда эмас, ҳаётнинг ўзида намоён бўлади. Энг муҳими, халқ билан доимий мулоқот, жойлардаги ҳақиқий вазиятни ўрганиш ва ҳар бир масалага масъулият билан ёндашиш депутатлик фаолиятининг асосий мезони бўлиб келмоқда.

Навбатдаги ўрганиш давомида депутатимиз Қизилгул Қосимова Тошкент вилояти Оҳангарон тумани электр тармоқлари корхонасида электр энергияси истеъмоли, истеъмолчилар сони ҳамда электр тармоқлари инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар билан атрафлича танишди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, сўнгги тўрт йил ичида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари сони ортиши билан бирга электр энергиясига бўлган эҳтиёж ҳам сезиларли даражада ошган. Шу билан бирга, электр тармоқларини модернизация қилиш, янги трансформаторлар ўрнатиш, эски электр узатиш линияларини янгилаш ва тармоқ қувватини ошириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳам босқичма-босқич давом этмоқда. Бу эса нафақат электр таъминотининг барқарорлигига, балки электр узилтишларини камайтириш, аҳоли ва тадбиркорларга янада сифатли хизмат кўрсатишга хизмат

ҳисобланган “Шоштепа” қишлоғида амалга ошириладиган қурилиш ва обodonлаштириш ишлари ўрганилди. Қишлоқда барпо этиладиган 90 ўринли замонавий мактаб ёнида қуриладиган спорт залининг сифати алоҳида эътибор марказида бўлди. Масъуллар билан сўхбатда қурилиш ишларини белгиланган стандартлар асосида олиб бориш, объектни ўз муддатига фойдаланишга топшириш ва, энг муҳими, болалар учун хавфсиз ҳамда замонавий шариоит яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳар бир қуриладиган ижтимоий объект ортида юзлаб болаларнинг орзуси, ота-оналарнинг ишончи ва келажакка бўлган умиди мужассам. Спорт зали фақат бино эмас, балки ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш ва иқтидорини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган муҳим маскандир.

“Шоштепа” қишлоғида амалга оширилган бошқа ишлар ҳам эътибордан четда қолмади. Ички йўлларга асфальт ётқирилиши аҳолининг кундалик ҳаракатланишини анча енгиллаштирган. Илгари ёмғирли кунларда юриш қийин бўлган кўчаларда бугун транспорт бемалол ҳаракатланмоқда.

Шунингдек, эҳтиёжманд икки оила учун янги уй-жой қуриб берилгани одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган амалий ғамхўрликнинг ёрқин намунаси сифатида баҳоланди. Энг муҳими, аҳолининг юзидаги мамнуният ва билдирилган миннатдорлик сўзлари амалга ошириладиган ислохотларнинг натижаси одамлар ҳаётида сезиладиганини кўрсатди.

Олмалиқ шаҳридаги “Мустақиллик” маҳалласида сайловчилар билан ўтказилган учрашувда Қонунчилик палатаси

“
ХАЛҚ БИЛАН
ДОИМИЙ МУЛОҚОТ,
ЖОЙЛАРДАГИ
ҲАҚИҚИЙ ВАЗИЯТНИ
ЎРГАНИШ ВА ҲАР БИР
МАСАЛАГА МАСЪУЛИЯТ
БИЛАН ЁНДАШИШ
ДЕПУТАТЛИК
ФАОЛИЯТИНИНГ
АСОСИЙ МЕЗОНИ
БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.
ЗЕРО, ОДАМЛАР
ЭРТАНГИ КУНГА
ИШОНГАН, ЎЗ МЕҲНАТИ
БИЛАН МУНОСИБ ҲАЁТ
КЕЧИРИШ ИМКОНИГА
ЭГА БЎЛГАН
ЖАМИЯТДА ТАРАҚҚИЁТ
ҲАМ БАРҚАРОР,
ИСЛОҲОТЛАР ҲАМ
САМАРАЛИ БЎЛАДИ.
”

депутати Қизилгул Қосимова, халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгаши котибияти мудири Севар Қодирова ҳамда шаҳар ҳокими ўринбосари Эргаш Абдурайимов иштирок этди.

Учрашув давомида фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар, тақлиф ва ташаббусларини эркин баён қилиш имконига эга бўлдилар. Билдирилган ҳар бир мурожаат юзасидан масъулларга аниқ вазифалар юклатилди, ижросини назорат қилиш масаласи ҳам белгилаб олинди. Чунки одамлар учун асосийси — муаммони эшитиш эмас, балки унинг амалий ечимини кўришдир.

Шу билан бирга, “маҳалла етилиги”нинг фаолияти ҳам атрафлича кўриб чиқилиб, аҳоли билан мулоқотни янада кучайтириш, ҳар бир хонадоннинг ҳолатидан хабардор бўлиш, муаммоларни эрта аниқлаш ва уларни тезкор ҳал этиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Бугун амалга ошириладиган бундай ўрганишлар, очиқ мулоқотлар ва жойлардаги назорат тадбирлари давлат органлари билан аҳоли ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ҳар бир ҳудуддаги ижобий ўзгаришлар одамларнинг турмуш даражаси, фарзандларининг келажаги ва эртанги кунга бўлган ишончида ўз ифодасини топлмоқда. Ана шу натижалар ортга қайтмас ислохотларнинг энг ишончли ва ҳаётий исботидир.

Фракциямиз аъзоси Анваржон Нурматов ҳам Избоскан туманида бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллаларда амалга ошириладиган ислохотлар, энергия таъминотини янада яхшилаш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга объектлар фаолиятини жойида ўрганди.

Дастлаб “Солбоши” маҳалласида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи мавсуми доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати кўмағида ғойиб деб топилган ташаббус асосида таъмирланган ички йўллар кўздан кечирилди. Йўлларнинг сифати, қурилиш ишларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ва уларнинг аҳоли учун яратадиган қулайликлари ўрганилди.

Депутатнинг қайд этишича, ички йўлларнинг яхшиланиши нафақат транспорт ҳаракатини енгиллаштиради, балки аҳолининг кундалик турмушига, фарзандларнинг хавфсиз қатновига ва маҳалланинг умумий қиёфасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шундан сўнг “Куйганёр” маҳалласида бир вақтлар ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган, бугун эса ўз меҳнати билан барқарор даромад топаётган оилалар фаолияти ўрганилди.

“Оромгоҳ” кўчасида яшовчи А. Ҳолмирзаев ва Т. Имомов билан мулоқот давомида “маҳалла етилиги” кўмағида ажратилган 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит уларнинг ҳаётида муҳим бурилиш нуқтаси бўлгани қайд этилди. Мазкур маблағ ҳисобидан йўлга қўйилган фаолият натижасида улар нафақат ўз оиласининг турмуш даражасини яхшилаган, балки бугунги кунда маҳалладаги эҳтиёжманд оилаларга ва жамоат ишларига ҳам кўмак бериб келмоқда. Бу мисол давлат томонидан яратиладиган имкониятлардан самарали фойдаланилганда инсон ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар юз беришини яққол намоён этади.

Сайловчилар билан учрашувлар давомида депутат “Избоскантумангаз” корхонасида ҳам бўлди. Учрашувда ёқилғи-энергетика соҳасини ривожлантириш, тармоқни модернизация қилиш, хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг барқарор энергия таъминоти бўйича белгиланган устувор вазифалар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, ушбу йўналишда амалга ошириладиган ислохотларнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилиб, истеъмолчиларнинг тақлиф ва мулоҳазалари тингланди.

Таъкидланганидек, ҳудудларда амалга ошириладиган бундай ўрганишлар давлат дастурларининг ижросини баҳолаш, аҳоли фикрини ўрганиш ва жойлардаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Одамлар билан очиқ мулоқот қилиш, уларнинг дарди ва тақлифларини эшитиш ҳамда амалий ечимлар ишлаб чиқиш депутатлик фаолиятининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир ҳудудда ўтказилган учрашув, ҳар бир маҳалладаги мулоқот ва ҳар бир ўрганиш объект ортида энг катта бойлик — инсон тақдири туради. Янги иш ўрни яратилгани, бир оиланинг даромадли бўлгани, маҳалладаги муаммонинг ҳал этилгани ёки одамларнинг мурожаатига ечим топилгани рақам эмас, балки юзлаб оилаларнинг ҳаётидаги ҳақиқий ўзгаришдир. Шу боис депутатларнинг жойларга чиқиб, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиши, уларнинг дардини эшитиши ва муаммоларга амалий ечим излаши ислохотларнинг энг муҳим мезони ҳисобланади. Чунки одамлар давлатнинг ғамхўрлигини қарорлар орқали эмас, балки ўз ҳаётида сезилган ўзгаришлар орқали ҳис қилади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Инсон ўзи қадрланган ва қўллаб-қувватланган жамиятдагина эртанги кунига ишонч билан қарайди. Бугун юртимизда айнан шу тамойил ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда. Айниқса, ногиронлиги бўлган инсонларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган имкониятлар уларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.

Инсоннинг имконияти унинг жисмоний ҳолати билан эмас, балки иродаси, меҳнатсеварлиги ва орзу-мақсадлари билан белгиланади. «Имконият чекланмаган!» ижтимоий акцияси ҳам ана шу эзгу ғояни кенг тарғиб этиш, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил қилинди.

Мазкур акция ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган ташаббуслардан бири бўлди. Асосий мақсади эса ҳар бир инсон учун тенг имкониятлар яратиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга тўлиқ интеграциялашувини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Таъкидланганидек, мустақилликнинг ҳақиқий мазмуни ҳам инсоннинг ўзини эркин, қадрли ва ҳимояланган ҳис қилишида намоён бўлади. Агар ҳар бир хонадонда тинчлик, ҳар бир оилада фаровонлик, ҳар бир инсоннинг эртанги кунга ишончи бўлса, демек, мустақилликнинг қадри янада юксалади.

Шу маънода «Имконият чекланмаган!» ташаббуси инсон қадрини улуғлаш, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган эзгу ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Тадбирда ногиронлиги бўлган инсонларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва инклюзив муҳитни янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир давомида ташкил этилган кўргазма барчада катта таассурот қолдирди. Тошкент вилоятининг турли шаҳар ва туманларидан келган ногиронлиги бўлган фуқаролар амалий санъат асарлари, миллий хунармандчилик буюмлари, рассомлик ишлари, каштачилик намуналари ва бошқа ижодий маҳсулотларини намойиш этишди.

Ундаги ҳар бир асар ўзига хос ҳаёт ҳикояси,

десак адашмаймиз. Уларда нафақат маҳорат, балки ҳаёт синовларини енгиб ўтган инсоннинг сабри, жасорати ва орзу-умидлари акс этганини кўриш мумкин.

Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

– Бу ерда биз оддий кўргазмани эмас, балки инсоннинг кучли иродаси, ҳаётга мухаббат ва меҳнатсеварлигига гувоҳ бўлдик. Намойиш этилган ҳар бир ижод намунаси ортида катта меҳнат, сабр-тоқат ва ҳаётнинг турли синовларини енгиб ўтишга бўлган қатъият турибди.

Чунки қўл меҳнати билан яратилган буюмларни эмас, балки инсоннинг иродаси, меҳнати ва ҳаётга бўлган ишончини кўрдик. Ҳар бир асар «имконият чекланмайди, агар инсоннинг мақсади ва ишончи кучли бўлса», деган ғояни ўзида муҳассам этган эди.

Бугун Янги Ўзбекистонда инсон қадри энг олий қадрият сифатида эътироф этилмоқда. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Ногиронлиги бўлган фуқаролар учун таълим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шугулланиш, ўз иқтидорини намоён этиш учун яратилаётган имкониятлар йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу эса ҳар бир инсон ўзини жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва муносиб аъзоси сифатида ҳис этишига хизмат қилмоқда.

Менимча, бундай ташаббусларнинг аҳамияти жуда катта.Чунки улар жамиятда меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлайди. Энг муҳими, одамларга "сен ёлғиз эмассан, сен кераклисан, сенинг иқтидоринг қадрли", деган туйғуни беради.

Бугун кўргазмада иштирок этган ҳар бир инсон бизга муҳим бир ҳақиқатни англатди: имконият инсоннинг жисмоний ҳолати билан эмас, унинг қалби, иродаси ва орзу-мақсадлари билан ўлчанади. Инсон ўз олдига мақсад қўйиб, меҳнат қилса ва жамият уни қўллаб-қувватласа, албатта, натижага эришади.

ҲАРАКАТ ВА ИШОНЧ

ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРАДИ



Партия фаоли Бакир Расулов ҳам бу борадаги фикрлари билан ўртоқлашди:

— Мустақиллик бизга эркин ва озод яшаш, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш имконини берди. Энг муҳими, инсонга бўлган муносабат ўзгарди. Бугун амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида инсон, унинг қадри ва манфаатлари турибди. Ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, ҳар бир инсон билим олиши, меҳнат қилиши, ўз қобилиятини намоён этиши учун шароит яратиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган.

Бу йўлда амалга оширилаётган ишлар натижасини ҳаётнинг ўзида кўряпмиз. Ногиронлиги бўлган юртдошларимиз учун таълим, бандлик, тадбиркорлик ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш имкониятлари тобора кенгаймоқда. Бундай ташаббуслар эса уларнинг ўз кучига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.

«Имконият чекланмаган!» акцияси ҳам ана шу эзгу мақсадларни ҳаётга татбиқ этаётган амалий ташаббуслардан биридир. Бу ерда намойиш этилган ҳар бир ижод намунаси бир ҳақиқатни англатди: инсоннинг кучи унинг имкониятида эмас, балки иродаси, меҳнатсеварлиги ва

ҳаётга бўлган ишончидадир. Ана шу фазилатлар эса ҳар қандай тўсиқдан устун туради.

Кўргазмада намойиш этилган амалий санъат асарлари, миллий хунармандчилик буюмлари, рассомлик ва каштачилик намуналари ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирнинг энг қизиқарли қисмларидан бири қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотлар аукциони бўлди. Унда иштирокчилар томонидан тўқилган оқ пахмоқ рўмоллар, гул композициялари, келинлар учун тайёрланган бижутериялар, табиат манзаралари акс этган расмлар ва бошқа ижодий ишлар харидорларга таклиф этилди.

Аукционда деярли барча маҳсулотлар ўз эгасини топди. Энг қувонарлиси, иштирокчилар ўз қўл меҳнатига одамлар қизиқиш билдирганини, уни муносиб баҳолаганини кўриб, катта мамнуният ҳис қилди. Улар учун бу нафақат моддий даромад, балки меҳнати қадрланаётганини ҳис этиш, ўз иқтидорига бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш имкони ҳам бўлди.

Хусусан, Салима Ирматова учун ҳам бу кун алоҳида қувончли кечди. Аукционга қўйилган бир нечта ижод намунасининг харид қилиниши ва меҳнати муносиб қадрлангани унга янада катта руҳ ва ишонч бағишлади.

У барчага миннатдорлик билдириб, бугунги учрашув

нафақат ўзи, балки ўзидек минглаб инсонлар учун катта маънавий аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Ҳаёт йўлида турли синовларни бошдан кечирдим. Лекин ҳеч қачон умидимни йўқотмадим. Оиламнинг меҳри, яқинларимнинг қўллаб-қувватлаши ва юртимизда яратилаётган имкониятлар менга янада куч бағишлади. Бугун меҳнатим қадрланганини кўриб, ўзимни жуда бахтли ҳис қилдим. Бу нафақат менинг, балки барча имконияти чекланган инсонлар учун катта эътирофдир.

Ишонаманки, инсонни олға бошлайдиган энг катта куч — унинг иродаси ва ўз кучига бўлган ишончидир. Шунинг учун барча юртдошларимга айтмоқчиман: ҳеч қачон тушкунликка берилманг. Ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз ўрни, ўз иқтидори ва ўз бахтини яратиш имконияти бор. Орзу қилишдан, ҳаракат қилишдан ва ўзингизга ишонишдан тўхтаманг, — дейди у.

Тадбир якунида акцияда фаол иштирок этган бир гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаролар, шунингдек, партиянинг жамоат ишларида муносиб қатнашиб келаётган ташаббускорлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг ташақкурномалари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Малоҳат ЭРГАШЕВА, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим бошлиғи.

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ: БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ ЯНГИЛАНДИ



Халқ депутатлари Шайхонтохур туман Кенгашидаги депутатимиз М.Рахматиллаеванинг Олим Хўжаев номидаги маҳаллада жойлашган 241-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти болалар майдончасини таъмирлаш бўйича туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига юборган депутатлик сўрови амалда ўз ижросини топди.

Яъни болалар майдончаси тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Янгиланган майдончада болаларнинг хавфсизлиги ва қулайлигини таъминлаш мақсадида замонавий сунъий газон қопламаси, янги ўйин жиҳозлари ўрнатилиб,

болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши ва жисмоний ривожланиши учун хавфсиз, замонавий муҳит яратилди.

НАМАНГАН: ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги депутатимиз И.Камалов 3-оилавий поликлиника фаолияти билан яқиндан танишди.

Муассасада аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифати, шифокорлар қабули, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизими, бепул бериладиган дори воситалари билан таъминлаш, дори воситаларининг захираси ва ҳисобини юритиш ҳолати атрофлича таҳлил қилинди.

Ўрганиш натижалари масъул мутасаддилар иштирокида муҳокама қилиниб, тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш,



фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида ва қонуний ечим топиш ҳамда бепул бериладиган дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

НАВОИЙ: МАҚСАД – КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ



Ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёманд оилаларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор мақсадларидан ҳисобланади. Партия мамлакатда кучли ижтимоий давлат тамойилларини қарор топтириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга интилади.

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи томонидан ҳудудларда мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар ўрганилди. Масъул идора вакиллари иштирокидаги муҳокама жараёнида эса аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ўрганиш ва муҳокамалардан

кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатишдир.

БУХОРО: ИЖТИМОЙ ДОРИХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгашидаги депутатимиз Ғанишер Нематов ижтимоий дорихоналарда фуқароларни бепул дори воситалари билан таъминлаш ҳолатини кўздан кечирди.

Ўрганиш давомида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, жумладан, имтиёзга эга фуқароларга дори воситаларини белгиланган тартибда етказиб бериш, уларнинг дори-дармон билан таъминланиши ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатига эътибор қаратилди.

Шунингдек, бепул дори воситаларини олиш бўйича фуқаролар учун яратилган имкониятлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари таҳлил қилинди.



ТАҲЛИЛ



Муслим ЭРГАШБАЕВ,
Барқарор ривожланиш
маркази бўлим бошлиғи.

2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари замонавий дунё тараққиётининг энг муҳим йўналишларини белгилаб бермоқда. Камбағалликни қисқартириш, сифатли таълимни таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, гендер тенглигига эришиш ва муносиб меҳнат имкониятларини кенгайтириш каби мақсадлар аслида ягона ғоя – инсон капиталини ривожлантириш ғояси атрофида бирлашади.

Жаҳон банкининг Human Capital Index ҳисоботига кўра, XXI аср иқтисодиётида мамлакатлар рақобатбардошлиги табиий бойликлардан кўра, инсон капитали сифатига кўпроқ боғлиқ. Бугунги кунда дунёдаги энг юқори даромадли мамлакатлар – Сингапур, Жанубий Корея, Финляндия ва Германия ўз тараққиётини айнан таълим, соғлиқни сақлаш ва инсон салоҳиятига қилинган инвестициялар орқали таъминлаган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёда камбағалликни қисқартириш борасида энг катта натижаларга эришган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Халқаро ташкилотлар мамлакатдаги деярли барча асосий ижтимоий кўрсаткичлар бўйича ижобий ўзгаришларни қайд этмоқда. Бугун камбағалликни қисқартириш - фақат ижтимоий вазифа эмас. У давлатнинг иқтисодий рақобатбардошлиги билан бевосита боғлиқ масалага айланмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистон камбағалликни камайтириш соҳасида сезиларли ютуқларга эришди. Халқаро экспертлар баҳоларига кўра, камбағаллик даражаси 2015 йилдаги 36 фоиздан 2022 йилда 17 фоизгача пасайган. Бу Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги энг юқори натижалардан бири ҳисобланади. Бироқ замонавий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусияти шундаки,

МАМЛАКАТНИНГ АСОСИЙ СТРАТЕГИК БОЙЛИГИ

инсоннинг камбағалликдан чиқиши унда қолмасликка қафолат бермайди. Келгуси йигирма йилда Ўзбекистон тараққиётини белгилайдиган энг муҳим омил демографик ўсиш бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилга бориб мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси 28,3 миллион нафарга етади. Бу ҳозирги кўрсаткичларга нисбатан қарийб 7-8 миллион кишига кўп демакдир. Бир қарашда бу улкан имконият бўлиб кўринади. Зеро, кўплаб ривожланган мамлакатлар аҳолининг қариши ва ишчи кучининг етишмаслиги муаммосига дуч келмоқда. Ўзбекистон эса ёш ва ўсиб бораётган меҳнат ресурсларига эга. Бу мамлакат учун ноёб демографик дивиденд яратади. Марказий Осиёдаги энг йирик меҳнат ресурслари айнан Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Шу сабабли мамлакатда инсон капиталига қаратилган ҳар бир ислохот нафақат миллий, балки минтақавий аҳамиятга ҳам эга. Агар Ўзбекистон демографик дивидендни самарали иқтисодий ўсишга айлантира олса, бу бутун Марказий Осиё учун янги ривожланиш моделига айланиши мумкин. Бироқ демографик дивиденд автоматик равишда иқтисодий ўсишга айланмайди. Бунинг учун сифатли таълим, муносиб иш ўринлари, замонавий касбий кўникмалар, хусусий сектор ўсиши талаб этилади. Бугунги кунда дунё меҳнат бозори тарихдаги энг катта трансформацияни бошдан кечирмоқда. Жаҳон иқтисодий форумининг Future of Jobs Report 2025 ҳисоботига кўра, 2030 йилга бориб мавжуд касбларнинг қарийб 22 фоизи жиддий ўзгаришга учрайди ёки бутунлай йўқолади. Сунъий интеллект, автоматлаштириш ва рақамли технологиялар миллионлаб анъанавий иш ўринларини қисқартиради. Шу билан бирга янги касблар пайдо бўлади. Хусусан, сунъий интеллект мутахассислари, маълумотлар таҳлилчилари, киберхавфсизлик экспертлари, яшил иқтисодиёт мутахассислари, рақамли хизматлар соҳаси ходимлари. Узоқ йиллар давомида иқтисодий ўсиш аҳоли турмуш даражасини автоматик тарзда яхшилайдиган, деган қараш ҳукмрон бўлиб келди. Аммо амалиёт бунинг ҳар доим ҳам тўғри эмаслигини кўрсатмоқда. Ялпи ички маҳсулот юқори суръатларда ўсиши мумкин, лекин агар иқтисодий имкониятлар аҳоли ўртасида тенг тақсимланмаса ёки

иқтисодиёт етарлича муносиб иш ўринлари яратмаса, камбағаллик сақланиб қолаверади. Шу боис бугун Ўзбекистон олдида инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифаси турибди. Шунинг учун ҳам БМТ ҳужжатларида «муносиб меҳнат», «инклюзивлик», «гендер тенглиги» ва «ижтимоий ҳимоя» каби тушунчаларга алоҳида урғу берилади. Аслида бу иқтисодий ўсишнинг миқдорий кўрсаткичларидан инсон капиталини сифат жиҳатидан ривожлантиришга ўтишни англатади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг етарлича фойдаланилмаётган энг катта ресурсларидан бири — аёллар салоҳияти бўлиб, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги эркакларга нисбатан анча пастлигича қолмоқда.

“**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАСАЛАСИ ҲАМ КЎП ҲОЛЛАРДА НОТЎҒРИ ТАЛҚИН ҚИЛИНАДИ. КЎПЧИЛИК УНИ БЮДЖЕТ УЧУН ОРТИҚЧА ЮК ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. АСЛИДА ЭСА САМАРАЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ ИНСОНЛАРГА ОҒИР ВАЗИЯТЛАРДАН ТЕЗРОҚ ЧИҚИБ КЕТИШ, ТАЪЛИМ ОЛИШ, ЯНГИ КАСБ ЭГАЛЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ИМКОНИНИ ЯРАТАДИ.**”

Шу билан бирга бу йўналишда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Мамлакатда хотин-қизларнинг таълим олиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши ва меҳнат бозоридаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Олий таълим муассасаларида қизлар улуши изчил ортиб бормоқда, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ва грантлар ажратилмоқда. Олий таълимда хотин-

қизлар улуши 52,2 фоизга етди, магистратурада эса улар 60 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Шунингдек, раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган аёллар сони кўпайиб, уларнинг давлат бошқаруви ва бизнес соҳасидаги иштироки мустаҳкамланмоқда.2024 йилда Жаҳон банкининг “Women, Business and the Law” индексида Ўзбекистон гендер тенгликни таъминлаш бўйича энг тез ислохот ўтказган беш давлат қаторига кирди. Мамлакатнинг рейтинги 11,9 баллга яхшиланиб, 82,5 баллга етди ва бу кўрсаткич бўйича Сингапур, Туркия ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари билан бир хил натижа қайд этилди. Иқтисодчиларнинг фикрича, аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини кенгайтириш иқтисодий ўсишни жадаллаштиришнинг энг самарали воситаларидан биридир. Шу сабабли аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, болалар парвариши хизматларини кенгайтириш ҳамда иш жойларида оилапарвар муҳит яратиш ижтимоий харажат эмас, балки иқтисодиётга киритилаётган сармоя сифатида баҳоляниши керак. Ижтимоий ҳимоя масаласи ҳам кўп ҳолларда нотўғри талқин қилинади. Кўпчилик уни бюджет учун ортиқча юк деб ҳисоблайди. Аслида эса самарали ижтимоий ҳимоя тизими инсонларга оғир вазиятлардан тезроқ чиқиб кетиш, таълим олиш, янги касб эгаллаш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш имконини яратади. Бандлик сифати ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Расмий статистикада ишсизлик даражаси нисбатан паст кўринса-да, кўплаб мутахассислар норасмий бандлик ва меҳнат миграцияси юқори даражада сақланиб қолаётганини таъкидламоқда. Миллионлаб фуқаролар иш билан таъминланган бўлса-да, бу иш ҳар доим ҳам муносиб даромад, ижтимоий қафолат ва касбий ўсиш имкониятларини бермайди. Шу боис асосий вазифа одамларни шунчаки иш билан таъминлаш эмас, балки меҳнат унумдорлигини ошириш, норасмий бандликни қисқартириш ва кичик бизнесни ривожлантиришдан иборатдир.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида тўлиқ иштирокини таъминлаш долзарб вазифалар сирасига қиради. Халқаро тажриба шунни кўрсатадики, инклюзив муҳит яратишга қаратилган ҳар бир сармоя икки карра самара беради: бир томондан инсонларнинг ҳаёт сифати яхшиланади, иккинчи томондан аҳолининг иқтисодий фаоллиги ортади. Бугунги кунда инсон капитали ҳақида иқлим ўзгаришини ҳисобга олмасдан гапириш мумкин эмас. Қайта тикланувчи энергия, сув тежовчи технологиялар, иқлимга мос қишлоқ ҳўжалиги, экологик бошқарув каби соҳалар учун “яшил кўникмалар”ни ривожлантириш Ўзбекистоннинг стратегик вазифаси ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти баҳолашича, яшил иқтисодиётга ўтиш 2030 йилгача дунё бўйича 100 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратиши мумкин. Сув ресурсларининг қисқариши, чўлланиш ва экстремал ҳароратлар меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Мавжуд вазифалардан келиб чиққан ҳолда, келгуси йилларда хусусий секторда, айниқса, ёшлар учун янги иш ўринларини яратишни жадаллаштириш, касб-хунар таълими дастурларини меҳнат бозорининг ҳақиқий эҳтиёжларига мослаштириш, аёллар тадбиркорлиги ва бандлигини янада қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини рақамлаштиришни давом эттириб, ёрдамнинг манзиллилигини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва замонавий кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган сармояларни кўпайтириш масалаларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Ўзбекистон олдидаги асосий вазифа демографик ўсишни иқтисодий устунликка айлантиришдан иборат. Бунинг учун ҳар бир бола сифатли таълим олиши, ҳар бир ёш муносиб иш топиши, ҳар бир аёл ўз имкониятларини рўёбга чиқариши ва ҳар бир инсон жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиши учун шароит яратилиши лозим. Ана шунда инсон капитали ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг XXI асрдаги асосий стратегик бойлигига айланади.

КЕЛАЖАК ВА ЁШЛАР

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бу шунчаки вақтинчалик мода эмас, балки меҳнат бозоридаги глобал инқилобдир. Жаҳон иқтисодий форуми (WEF) ҳисоботларига кўра, яқин беш йил ичида меҳнат бозоридаги касбларнинг қарийб чорак қисми бутунлай ўзгаради. Сунъий интеллект ва автоматлаштириш натижасида миллионлаб анъанавий иш ўринлари йўқолиб, ўрнига биз ҳали тўлиқ англаб етмаган янгилари пайдо бўлади. Бугунги меҳнат бозори луғатига «IT-дастурчи», «SMM-менежер», «Таргетолог», «Дата-таҳлилчи (Data Analyst)», «Моушн-дизайнер» каби янги атамалар кириб улгурди. Кўпчилик катта авлод вакиллари бу сўзларни эшитганда ҳайратланиши ёки уларни «жиддий касб эмас» деб қабул қилиши табиий. Бироқ рақамлар устунлиги шундаки, бугунги кунда айнан шу соҳа вакиллари анъанавий касб эгаларига қараганда бир неча баробар кўп даромад топмоқда ва энг муҳими, улар географик чегараларга мутлақо тобе эмас. Тошкентдаги қаҳвахонада ёки Зоминнинг тоғли қишлоғида туриб ҳам Америкадаги стартап учун код ёзиш мумкин. Аммо бу соҳанинг ўзига яраша қаттиқ талаблари бор — доимий изланиш ва тил билиш. Масалан, B1 даражасидаги умумий инглиз тили базасидан ўтиб, камида IELTS 7 ёки TOEFL 100 даражасида тил билган ёш мутахассис учун бутун дунё меҳнат бозорининг эшиклари ланг очилади. Хўш, Янги Ўзбекистон ёшлари бу имкониятлардан қандай фойдаланмоқда? Замонавий касбларнинг жозибаси ва машаққатини тушуниш учун шу йўлни босиб ўтиб, бугунги кунда йирик рақамли лойиҳаларда бошқарувчи даражасига чиққан ёш мутахассиснинг тажрибасига мурожаат қилдик. Қаҳрамонимиз — айни пайтда «Mutolaa» лойиҳасида АТ (IT) бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган, 6 йилдан ортиқ тажрибага эга «Backend» дастурчи Асилбек Ҳалилов. Ота-оналарнинг энг катта хатоларидан бири — боланинг компьютер олдида

1 МИЛЛИОНДАН 40 МИЛЛИОНГАЧА

ўтиришини «вақтни бекор кетказиш» деб ҳисоблашидир. Бугунги қаҳрамонимизнинг муваффақият тарихи эса айнан шундай беғубор қизиқишлардан, энг муҳими, оиласининг тўғри қўллаб-қувватлашидан бошланган. — Техникага қизиқишим болагимдан уйимиздаги муҳит сабаб уйғонган, — дея эслайди Асилбек. — Отам АТ факультетини тамомлаган дастурчи эди, бироқ у вақтларда бу касбга эҳтиёж юқори бўлмагани учун бошқа соҳада ишларди. Уйга биринчи марта кичкина «netbook» олиб келганида ўйин ўйнардим. Кейинроқ отамнинг «Excel»да, ўқитувчи бўлиб ишлаган онанинг «Word»да ишлашларини кузатиб, ўзим ҳам нималарнидир машқ қила бошладим. Мактабда дафтар муковаларини ручкада ёзиш ўрнига, компьютерга кириб, турли нақшли рамкалар ясаб чиқарардим. Бир кун онанинг ишларини осонлаштириш учун интернетдан лотинчани кириллчага ўғирадиган махсус плагин топиб, ўрнатиб берганман. Оилам бу қизиқишимни ҳеч қачон бўғмаган, аксинча, ривожланишим учун замин яратиб берган. Асилбекнинг дастурчилик сари йўли теп-текис бўлмаган. 2019 йили у Тошкент ахборот технологиялари университетининг ҳарбий алоқа соҳасига киришини мақсад қилади, бироқ айнан ўша йили факультет ёпилиб, тасодиф туфайли «Дастурий инжиниринг» йўналишига тўлов-контракт асосида ўқишга қиради. Унинг ҳақиқий мутахассис бўлиб етишишига тинимсиз амалиёт ва инкиррозли даврдаги тўғри қарорлари сабаб бўлади. — 2020 йилнинг февралидан пойтахтда «Python» курсига катнай бошладим.

Устозим Аъзам Маматмуродовдан 45 кун сабоқ олганимдан сўнг, пандемия бошланиб, карантин эълон қилинди. Қадрдон шахрим Бухорога қайтиб, YouTube орқали мустақил излана бошладим. Бироқ фақат назария билан узоққа бориб бўлмаслигини, реал амалиёт кераклигини тушундим. Устозимга кўнгирок қилиб, хаттоки пул тўлаб бўлса ҳам ишлаб ўрганишга тайёрлигимни айтдим. У киши эса: «Пулни керак эмас, кел, жамоамда биргалашиб ишлаймиз. Вазифалар берамиз, қиласан, тушунмаган жойингни сўрайсан», деди. Ўша ерда менга энг кўп нарсаси ўргатган яна бир устозим Машраб Абдиев билан танишганман. Менинг реал карьерам айнан шу нуқтадан бошланган. Кўпчилик орасида АТ соҳасида муваффақиятга эришиш учун инглиз тилини сувдек ичиш ёки қизил дипломга эга бўлиш шарт, деган қарашлар мавжуд. Олти йиллик тажрибага эга мутахассис сифатида Асилбек бу стереотипларга шундай ёндашади. — Бу соҳани ўрганишда қоғоздаги диплом ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Иш берувчи сиздан фақатгина портфолио ва амалий кўникама талаб қилади. Ишга киришдаги техник интервью жараёнидаёқ қарийб 50 фоиз масала ҳал бўлади. Албатта, тил билиш жуда муҳим, тил билмаган одам маълум бир нуқтага етиб бормас, ўсишдан тўхтайдди. Тўғри, менинг инглиз тили даражам идеал эмас, лекин ўз соҳамга доир техник ҳужжатларни бемалол ўқиб тушунаман ва суҳбатларда фикримни етказиб бера оламан. Хатто Американинг халқаро компанияси билан суҳбатдан ҳам муваффақиятли ўтганман.

Шунингдек, ҳозирда эгилувчанлик, киришимлилик каби юмшоқ кўникмалар («Soft skills») ҳақида кўп гапирилади. Тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, 80-90 фоиз дастурчиларда бу хусусият унчалик кучли бўлмайди. Чунки дастурчилар табиятан интроверт (ўзига ёпик) инсонлардир ва бу кўникмаларнинг АТ соҳасига унчалик алоқаси йўқ — бу инсоннинг дастурчи бўлгунига қадар шаклланган шахсий табиатиدير. Бундай тинимсиз изланиш ва мустақил ҳаракатлар ортдан келадиган натижа эса ҳар қандай инсонни илҳомлантириши аниқ. Асилбекнинг 2021 йилда, соҳадаги илк қадамларида олган маоши солиқлардан ташқари қўлига 1 миллион 80 минг сўм теккан бўлса, бугунги кунга келиб унинг ойлик даромади 40 миллион сўмга етган. Бу — ўз устида ишлаш ва тўғри йўналиш танлашнинг ёрқин мевасидир. Бугун мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтиш, IT-парклар фаолиятини кенгайтириш ва ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича мисли кўрилмаган шароитлар яратилмоқда. IT-сертификатлар учун тўловларнинг давлат томонидан қоплаб берилиши каби ташаббуслар минглаб ёшлар учун мутлақо янги ҳаёт эшикларини очаяпти. Демак, давр билан ҳамнафас қадам ташлаш вақти келди. Бугун беғубор қизиқиш ва ҳавас билан бошланган йўл эртага бутун бир оиланинг фаровонлигига, қолаверса, мамлакатимизнинг глобал майдондаги мустаҳкам ўрнига хизмат қилиши шубҳасиз.

Азим АХТАМОВ.

ИНСОН ЎЗИНГ...

КЕЧА БИЛАН ЭРТАНИ БОҒЛОВЧИ МАЪНАВИЙ КЎПРИК

Эрталабки тигиз вақт. Метрода ишга, ўқишга ёхуд бирор юмушга шошилаётган юзлаб одамлар етовида оқимга қўшиламан. Қатор ўриндиқларда жойлашиб олганларнинг ҳам, тик турганларнинг ҳам деярли ҳаммаси қўлидаги телефонга тикилган.

Навбатдаги бекатда бир-бирига йўл бермай кираётган одамлар орасида отахон кўринди. Бир пайтлар елкасида оиласининг, эҳтимол, юртнинг юкини кўтарган бу инсон бугун вагон тутқичига суяниб турибди. Ён-атрофда ўриндиқлардаги ёш йигит-қизларнинг бирортаси ҳам бошини кўтармайди, нигоҳлари гаджет экраниди, кулоқларида кулоқчин. Отахон эса тебранаётган вагонда мувозанатни сақлаш учун темир тутқични маҳкам ушлади. Ахийри 50 ёшлар атрофидаги бир аёл ўрнидан туриб, отахонга жой берди.



Ўша лаҳзада мени нима ҳам таажжуб ва ҳам таассуфга солди, биласизми? Нафақа ёшига яқинлашган аёلнинг отахонга жой берганидан ҳам кўра, буни кўриб-кўрмаганликка олганча, бамайлихотир кетаётган йигит-қизларнинг ҳеч бирида заррача хижолатни, "юз қизариши"ни сезмадим.

Қон-қонимизга сингиб кетган қадриятларимизда кексаларга ҳурматни тарбиянинг боши деб билиб келганимиз. Тарбия эса маънавиятнинг жон томири. Бугун жамоат транспортда ёши улугларга беписанд, безътибор қараётган ёшларимиз оилада ота-онасининг ҳам сўзини эшитаётганмикан, деб ўйлаб қоласан киши...

Бугун кексаларнинг дуосини арзимас деб билган инсон эртага ўз фарзандидан ҳам худди шундай муносабат кўрмайдими? Авлодлар орасидаги оқибат кўприклари дарз кета бошласа, эртага миллатнинг маънавий пойдевори мўрт бўлиб қолмайдими?

Бу саволларга аллақачон жавоб излаш вақти келган.

Тарихга назар ташласак, дунёда ҳарбий қудрати кучли бўлса-да, аммо маънавияти емирилган неча-неча давлатлар жаҳон саҳнасидан йўқ бўлиб кетганини, буюк салтанатларнинг таназзули кўпинча иқтисодий эмас, маънавий инқироздан бошланганини кўриш мумкин. Зотан, Сўқрот сўзи билан айтганда, давлатнинг буюклиги унинг бинолари билан эмас, фуқароларининг ахлоқи билан ўлчанadi.

Дарҳақиқат, тарбия, ахлоқ издан чиққан жойда виждон сукут сақлайди. Мехр йўқолган жойда эса нафрат илдиз отади. Шунинг учун ҳам Абдулла Авлоний бундан

бир аср аввал миллат тақдири ҳақида «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», дея бонг урган эди. Бу сўзлар бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Беш қўлдай аёнки, тарбиянинг биринчи мактаби — бу оила. Оиланинг мустаҳкам устуни, сўзсиз, кексалардир. Улар уйимизнинг чироғи, қалбимизнинг ҳаловати. Юзидаги ҳар бир ажин, ҳар бир оқарган сочи ҳаёт чиғирикларини эслатиб туради. Уларнинг ҳар бир сўзи йиллар давомида чархланган

донишмандликнинг ёрқин ифодасидир.

Бироқ бугун бундай қараш ва қадриятлардан фарзандларимиз тамомила бегона бўлиб ўсаётгани, айрим оилаларда кексаларнинг фикрини тингламаслик, уларни «фойдаси тегмайдиган ортиқча одам» деб санаш кўникмаси шаклланаётгани, бобо-буви ва набиралар ўртасидаги самимий ришталар йўқолиб бораётгани аччиқ ҳақиқат.

Уч авлод вакиллари бир том остида яшаётган оилада ёшлар интернетдан маслаҳат сўрайди. Бегона блогерга ишонади. Аммо ҳаёт мактабини ўтаган бобо-бувиси, ҳатто отаси ёки онасининг фикрини эшитишга тоқат қилолмайди.

Аслида буни маънавий таназзулнинг биринчи белгиси, десак муболага эмас.

Кўпчилик маънавий таназзул деганда жамиятда урчиган турли ахлоқсизлик ва жиноятларни тасаввур қилади. Бизнингча, маънавий таназзул бундан анча олдин бошланади. Дейлик, автобусда кексаларга жой бермасликдан, ёши катталарга салом бермай ўтишдан, ота-онанинг маслаҳат ёки насиҳатини менсимасликдан, кўзидан нур, оёғидан куч кетиб, зўрға қадам ташлаётган бобосининг елкасидан тутганча унга суянч бўлмасликдан... Кейин эса булар одатга айланади. Одат ҳулқ-атворни яратади.

Бошқаларнинг дардини ҳис қилмаган одамнинг маънавияти ҳақида қандай гапириш мумкин? Жамоат транспортда кекса инсонни кўриб, кўрмаганликка олган, бир неча дақиқалик йўлда бирозгина жони заҳмат чекишни истамай, ўрнидан турмаган ёш йигит-қиз эртага

бошқаларнинг дардига қандай шерик бўлади?!

ЁҒОЧНИ ИЧИДАН КЕМИРАЁТГАН ҚУРТ

Маънавий таназзулни кўз билан кўриб бўлмайди. У худди ёғочнинг ичига тушган қуртга ўхшайди. Ташқаридан қараганда ҳаммаси рисоладагидек. Жамиятда барқарорлик, изчил ривожланиш, ҳар соҳада рақамлар ўсаётгандек гўё... Лекин, одамлар бир-бирини эшитмаётган бўлса, ота-она фарзандига, фарзанд эса ота-онасига бегоналашиб бораверса, кекса инсон ўз уйида ўзини ортиқчадек ҳис қилса, демак, яра газак ота бошлаган.

Қурт ҳеч қачон дарахтни ташқарисидан емирмайди. У ичига киради. Аста-секин кемиради. Дарахт ҳали ҳам бақувватдек

кўринади. Бироқ бир кун келиб, арзимаган шамол уни қулатиши мумкин. Жамият ҳам шундай. Маънавий таназзул, аввал инсон, қалбида бошланади. Кейин оилага ўтади. Оиладан маҳаллага. Маҳалладан жамиятга. Шундагина унинг оқибати кўрина бошлайди.

Бугун ҳашаматда бир-биридан ўтгулик уйларнинг эшиклари маҳкам ёпилган. Ҳар бир хонадон ўз турмуш ташвишлари билан кўпайиб бормоқда. Ҳаммада вақт йўқ. Ҳамма тирикчилик кўйида шошилади. Энг ёмони, ана шу кўз кўрса қувонадиган хонадонларнинг айримларида кекса инсонлар ўз дилбандлари билан шунчаки диллашиш учун ҳам қулай вақт кутади.

ОҚСОҚОЛНИНГ СЎЗИ ЭШИТИЛМАГАН УЙДА ҲУЗУР БЎЛМАЙДИ

Яқинда ахборот нашрларида, ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда ажримлар сони ўсишда давом этаётгани, хусусан, 2026 йилнинг биринчи ярмида 24,8 мингта никоҳ расман бекор қилингани (бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 мингтага кўп), ҳисоб-китобларга кўра, бир кунда ўртача 137 та оила ажрашаётгани ҳақидаги хабарлар тарқалди.

Тўғри, ажримларнинг сабаблари кўп. Аммо, таъбир жоиз бўлса, бундай "ёқимсиз ўсиш"га олиб келаётган омиллардан бири ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, хохиш-истак, дунёқарашларнинг мутаносиб эмаслиги билан боғлиқ эканини

мутахассислар қайд этмоқдалар.

Ўзбек оиласининг асрлар давомида сақланиб келинган энг эзу аъёналаридан бири маслаҳат маданияти эди. Йигит уйланса, бобоси маслаҳат берарди. Келин тушса, буви дуо қиларди. Эр-хотин ўртасида келишмовчилик чиқса, оқсоқоллар муроса йўлини топарди.

Хўш, энди-чи? Оилавий низо юзага келса, аввал ота-она эмас, интернетга мурожаат қилинади. Оқсоқол эмас, ижтимоий тармоқдаги «машҳур» психологнинг маслаҳати тингланади. Сабр-тоқат эмас, ғазаб, ҳиссиётга таяниб қарор чиқараётган эр-хотин икки ўртада қолаётган фарзандлар тақдирига, келажагига ҳам кўз юмиб қўя қоладилар.

Ваҳолонки, ўша оилада катта ҳаёт мактабини кўрган ёши улуг инсоннинг сўзи сўз бўлса, ўзаро келишмовчиликлар тумандай тарқаб, муносабатлар ажримгача бормаслиги аниқ.

““

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА
БОБО ВА БУВИЛАРНИНГ
ЎРНИ, ТАЪСИРИ
ЙЎҚОЛИБ БОРМОҚДА.
ПИРОВАРДИДА
ЎЗЛИГИДАН
УЗИЛГАН АВЛОД
ШАКЛЛАНЯПТИ. АСЛ
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗДАН
БЕХАБАР ЁШЛАР
КЎПАЙМОҚДА. МИЛЛИЙ
ТАРБИЯНИНГ ЎРНИНИ
ҲАЛОКАТЛИ ҒОЯЛАР
ЭГАЛЛАБ ОЛМОҚДА.

Афсуски, ҳозирги кунга келиб, юқорида таъкидлаганимиздек, кексаларнинг фикри оилаларда тингланмаяпти. Фарзанд тарбиясида бобо ва бувиларнинг ўрни, таъсири йўқолиб бормоқда. Пировардида ўзлигидан узилган авлод шаклланяпти. Асл қадриятларимиздан беҳабар ёшлар кўпаймоқда. Миллий тарбиянинг ўрнини ҳалокатли ғоялар эгаллаб олмоқда.

Бугун дунёнинг иқтисодий ва технологик жиҳатдан бақувват давлатларини олиб қарайлик. Оила институтининг аҳамияти кескин пасайиб бораётгани, демография инқироз ва бунинг фонида маънавий-ахлоқий тубанлашининг кучайиши ушбу мамлакат сиёсатчиларини, зиёлиларини жиддий ташвишга солмоқда. Бу таназзулдан биз иҳоталанганмиз, десак янглишамиз.

Ҳар қандай халқнинг маънавий-ахлоқий тизими асрлар давомида шаклланган қадриятлар устига қурилади. Ана шу қадриятлар орасида ёши улугларга ҳурмат, уларнинг фикрини тинглаш ва оила ҳамда жамият ҳаётида уларга муносиб ўрин бериш алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бироқ сўнгги йилларда кузатилаётган ижтимоий жараёнлар — оилавий ажримлар сонининг ортиши, қолаверса, ёшлар ўртасида назоратсизлик, кексаларнинг мавқеи пасайиб бораётгани — барчаси бир томирдан

озиқланадиган муаммолар эканини кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам кексаларга ҳурмат кўрсатишни фақат одоб ва тарбиянинг инъикоси деб қараш камлик қилади, назаримизда. Бу мамлакатнинг, жамиятнинг маънавий барқарорлигига дахлдор масаладир.

Ёрқиной Тўлаганова, Андижон вилояти Избоскан тумани ФХДё бўлими мудираси:

–Сўнгги йилларда мамлакатимизда кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва ҳаёт сифатига қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Кексалар учун маданий-маърифий тадбирлар, саломатлиқни тиклаш дастурлари, сайёҳатлар ва ижтимоий хизматлар кўлами кенгайиб бораётганини барчамиз ўз маҳалламиздаги нурунийлар мисолида кўриб, билиб турибмиз. Бу ишлар кексаларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилаётгани шубҳасиз.

Бироқ мазкур жараёнда маълум бир парадокс ҳам кузатилмоқда. Кексаларнинг жамоатчиликдаги фаоллиги ортгани ҳолда, уларнинг оиладаги нуфузи ва оилавий қарорлар қабул қилишдаги иштироки айрим ҳолларда сусайиб бормоқда. Бу эса нафақат кексаларнинг психологик ҳолатига, балки оилавий муносабатлар мустаҳкамлигига ҳам таъсир кўрсатяпти.

Иш фаолиятимда ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан ҳам ишлашга тўғри келади. Ана шундай оилалар билан қизиққанимда улар ҳаётида ёши улугларнинг ўрни ва таъсири деярли йўқлигини кўраман.

Илгари ҳар бир оилада ота-она ва бобо-бувилар ҳаётий тажрибаси, сабр-тоқати ва оқилона маслаҳатлари билан ёшларнинг келишмовчиликларини юмшатишга ҳаракат қилишган. Оиладаги ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва масъулият каби қадриятларни сақлашда улар ҳал қилувчи роль ўйнаганлар.

Бугунги кунда урбанизация, меҳнат миграцияси, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва турмуш тарзининг ўзгариши натижасида авлодлар ўртасидаги мулоқот қисқармоқда. Ёшлар билим ва ахборотни асосан интернет орқали олаётгани учун ҳаётий масалаларда кексалар маслаҳатига эҳтиёж камайгандек туюлади. Натижада кексаларнинг оиладаги таъсири аста-секин чекланиб бормоқда. Уларнинг ҳаётий тажрибаси ва билимларидан эса етарлича фойдаланилмаяпти, авлодлар ўртасида маънавий мерос узилиши хавфи юзага келмоқда.

Миллий қадриятлар, урф-одатлар, оилавий аъёналар айнан кексалар орқали авлоддан-авлодга ўтиб яшайди. Баъзи оилаларимизда ёши улуг инсонларнинг ўзларини ёлғиз ҳис қилиши, улардаги руҳий тушқунлиқнинг ортиб, ижтимоий фаоллиқнинг сезилмаслиги ҳам бугун биз кексаси бор хонадонда файзу барака бўлишини унутиб қўяётганимиз, фарзандларимиз онгу шуурига бу тарбияни сингдира олмаётганимиз натижасидир.

Унутмайлик, кексаларнинг оиладаги мавқеини мустаҳкамлаш фақат давлатнинг вазифаси эмас. Бу жараёнда маҳалла, таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ва ҳар бир оиланинг масъулияти муҳим. Нурунийларимиз ўзини жамиятда эмас, биринчи галда ўз оиласида қадрланганини ҳис қилиши керак. Зеро, улар кеча ва эртани боғловчи маънавий кўприк, оиланинг таянчи ҳисобланади.

Фарида ИБРОҲИМОВА.

БУНЁДКОРЛИК

ЗАМОНАВИЙ БОҒЧАЛАР

ОЛИС ХУДУДЛАРДА ҲАМ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Юртимизда ўсиб келаётган авлод манфаати йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг замирида болаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада Термиз туманида олиб борилаётган ишларга қисқача тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Одилжон Иминов ва бир гуруҳ масъуллар ҳудуддаги 4-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида бўлишди. Болажонлар учун яратилган шароит ва таълим-тарбия жараёнлари яқиндан ўрганилди. Санитария-гигиена ҳолатининг талабга мувофиқлиги, ўйин майдончаларидаги жиҳозларнинг созлиги, ёнгин хавфсизлиги ва бошқа жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Боғчамиз ўтган асрнинг 80-йилларида фойдаланишга топширилган, — дейди давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, партиямиз фаоли Моҳира Хўжамбердиева. –

Янги замон шарофати билан унинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Ҳар жиҳатдан кўркам ва шинам масканни кўрган кишининг ҳаваси келиши табиий. Тўртта гуруҳда қарийб 400 нафарга яқин болажонлар таълим-тарбия олмақда. Ўнга яқин тўғарак ишлаб турибди. Замонавий технологиялар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Инновацион ғоялар асосида машғулоти олиб борилади. Хориж тилларини мукаммал ўрганиш ўзватор вазифа қилиб белгиланган. Бир сўз билан айтганда, истиқлол дилбандлари оппоқ орзулар қанотида вояга етмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсга алоҳида эътибор қаратмоқчиман: жамоада 41 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг барчасини Ўзбекистон ХДП аъзолари ташкил қилади.

– Таълим-тарбияда оила, маҳалла, боғча ва мактаб муҳим ўрин тутиши табиий, – дейди Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Термиз туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Гулшод Шафоатова. – Янги Ўзбекистон шароитида миллат келажаги бўлган фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан



салоҳиятли бўлиб вояга етишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам бунинг ҳаётий намунасидир.

Ҳар жиҳатдан қўлай масканларнинг асосий қисми Сурхон воҳасининг чекка ва бориш қийин бўлган манзиллари – Бойсун, Сарийосиё, Узун, Шеробод, Музработ ва бошқа туманларда иш бошлагани эса янада қувонарли.

Эзгу амаллар давом этаётганидан кўпчилик мамнун. Фойдаланилмай турган мактаб ҳамда коллеж биноларини босқичма-босқич болалар боғчаларига мослаштириш чора-тадбирлари белгиланган. Хориж банклари маблағлари ҳисобидан 22 та янги маскан қуриш кўзда тутилаётир. Бундай дадил қадамлар албатта, ўзининг ширин меваларини беришига ишонаман.

Ўрганишлар якунида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзига хос янгилик ҳамда илғор амалиётларни оммалаштириш белгилаб олинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ИҚТИСОДИЁТ

АСОСИЙ СТАВКА ЯНА ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ. САБАБ НИМА?



Марказий банк Бошқарувининг йиғилишида асосий ставка 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ҳақида Бош регулятор томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ахборот берилди.

Таъкидланганидек, мамлакатда инфляцияни мақсадли кўрсаткичга тушириш ва макроиктисодий барқарорликни сақлашга қаратилган пул-кредит сиёсати доирасида шундай қарорга келинган.

Маълумотларга кўра, 2026 йил июнь ойи якунида йиллик умумий инфляция 6,4 фоизни ташкил этган. Базавий инфляция эса 5,7 фоиз даражасида сақланиб қолинган. Мутахассислар фикрича, июнь ойида энергия ресурслари ва тошқўмир нархларининг ошиши инфляция суръатларининг қисқа муддатли юқорилашига таъсир кўрсатган. Шунга қарамай, йил якунига қадар умумий инфляциянинг 6,5 фоиз атрофида шаклланиши кутилмоқда. Иқтисодий ўсиш бўйича прогноз ҳам ўзгаришсиз қолдирилиб, ялпи ички маҳсулот ўсиши 7,5-8 фоиз даражасида бўлиши башорат қилинмоқда.

Келгуси даврда ҳам пул-кредит сиёсати инфляцияни босқичма-босқич 5 фоизлик мақсадли даражага тушириш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, макроиктисодий мувозанатни мустаҳкамлаш ҳамда аҳолининг харид қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилади.

– Сўнгги ойлarda инфляциянинг пасайиш суръати секинлашиб, айрим таклиф омиллари ва ташқи иқтисодий шароитлар таъсирида нархларга босим сақланиб қолмоқда, – дейди Марказий банкнинг Пул-кредит сиёсати департаменти директори Самигўжон Иноғамов. – Айни пайтда ички талаб юқори суръатларда ўсмақда. Эътиборли жиҳати, аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари пасайди. Июнь ойида аҳолининг кутилмалари 10,1 фоизни, тадбиркорларнинг кутилмалари эса 9,9 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари, иқтисодиётимизда юқори фаоллик сақланиб қолмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ЯИМ реал ҳисобда 8,5 фоизга ўсди. Чакана савдо ва хизматлар ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари истеъмол фаоллигининг, инвестициялар динамикаси эса инвестицион талабнинг юқорилиги билан ифодаланмоқда.

Мамлакатга жалб этилаётган инвестициялар, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг

барқарор ошиб бораётгани, шунингдек, йилнинг иккинчи ярмида фискал харажатлар иқтисодий фаоллик ҳамда ички талабни кўллаб-қувватлаши ва 2026 йил якунида иқтисодий ўсиш 7,5-8 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Қолаверса, глобал иқтисодиётда геосиёсий зиддиятларнинг кучайиши фонида жаҳон бозорида озиқ-овқат ва хом ашё нархларининг ошиши бўйича хатарлар йўқ эмас. Шунингдек, савдо ҳамкор мамлакатлардаги ёнилғи таклифи билан боғлиқ узилишлар, логистика ва ташиш харажатларининг ортиши билан бирга келгусида импорт нархлари орқали ички инфляцияга қўшимча босим яратиши мумкин.

Шу билан бирга, глобал инфляциянинг пасайиши вақтинчалик тўхтагани ва қатор мамлакатларда пул-кредит сиёсати қатъийлаштирилиши ташқи молиявий шароитларнинг аввал кутилгандан узоқроқ муддат қатъий бўлиши эҳтимолини оширмоқда. Натижада ташқи молиялаштириш бўйича ноаниқликлар сақланиб қолмоқда.

Шундай бўлса-да, мамлакатимизда айни пайтда пул-кредит шароитлари қатъий даражада шаклланган. Иқтисодиётда реал ижобий фоиз ставкалари, аҳолининг жамғаришга бўлган мойиллигини кўллаб-қувватлашга ҳамда кредитлаш суръатларининг мўътадиллашувига хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги омилларни инобатга олган ҳолда, асосий ставканинг ўзгаришсиз қолдирилиши иқтисодиётдаги мавжуд инфляцион хатарлар ва юқори иқтисодий фаоллик ўртасидаги мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Бу қарор банк тизимида кредит ва депозит фоиз ставкаларига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатиб, молиявий бозорда барқарорликни таъминлайди.

Матбуот анжумани сўнида журналистлар мавзу юзасидан айни вақтда кўпчиликни ўйлантираётган саволлар билан Марказий банкнинг масъул раҳбарларига юзланди.
– **Европа Иттифоқининг 21-санкциялар пакетига “Золотая Корона” тизимининг оператори киритилди. Бу Россия ва бошқа давлатлардан Ўзбекистонга келаётган пул ўтказмаларига қанчалик таъсир қилади?**

Бу саволга Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш ва назорат департаменти директори Отабек Тожиддинов жавоб берди.
– 2026 йилнинг биринчи ярмида

Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари орқали 9,3 миллиард доллар келиб тушган, – дейди Отабек Тожиддинов. – Бу 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 13 фоизга кўп. Ушбу маблағнинг 2,4 миллиард доллари, яъни қарийб тўртдан бир қисми “Золотая Корона” орқали юборилган. “Золотая Корона” орқали Ўзбекистонга маблағлар фақат Россиядан келмайди. Мазкур хизматдан Жанубий Корея, Туркия, Қозоғистон, Европа Иттифоқи давлатлари ҳамда бошқа мамлакатларда меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари кенг фойдаланади ва шу тизим орқали маблағини юборишади.

Қолаверса, бугунги кунда “Золотая Корона” орқали Ўзбекистонга пул ўтказмалари одатдагидек давом этмоқда. Европа Иттифоқининг санкциялари фонида “Золотая Корона” халқаро пул ўтказмалари тизими орқали Ўзбекистонга маблағ юборишда ҳозирча ҳеч қандай узилиш ёки муаммо кузатилмаяпти. Юзага келган мазкур вазият Марказий банк томонидан доимий назорат қилинмоқда ва “Золотая Корона” Ўзбекистон банкларида олдиндан жойлаштирган кафолат депозитларига эга. Ҳозирча мигрантлар юборган маблағлар шу депозитлар доирасида аҳолига одатдаги тартибда беришда давом этмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон банклари санкциялар билан боғлиқ хатарларни камайтириш мақсадида “Золотая Корона” раҳбарияти билан ҳисоб-китобларни санкцияга тушмаган бошқа банк ёки оператор орқали амалга ошириш бўйича музокара олиб бормоқда. Янги ҳисоб-китоб механизми яқин кунларда ишга туширилиши мумкин. Шундан сўнг пул ўтказмалари тизими яна тўлиқ одатдагидек ишлашда давом этади. Фуқаролар пул ўтказмаларини мавжуд имкониятларга қараб сўмда ёки хорижий валютада олиши мумкин.

– Ўзбекистонда энергия тарифларининг оширилиши инфляцияга босимни кучайтириши мумкинми?

Марказий банкнинг Пул-кредит сиёсати департаменти директори Самигўжон Иноғамов:

– Июнь ойида электр энергияси ва табиий газ тарифларининг оширилиши ишлаб чиқариш ҳамда транспорт харажатларининг кўпайиши орқали келгуси чоракларда ҳам инфляцияга ўз таъсирини кўрсатишда давом этади. Асосий ставка 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилиши тўғрисида қарор қабул қилишда Марказий банк истеъмол нархларининг жорий динамикаси, базавий инфляция, инфляцион кутилмалар ҳамда янгиланган прогнозларни ҳисобга олган. Йил бошидан буён умумий инфляция секинлашмоқда. Инфляцион кутилмалар ҳам пасаймоқда, бироқ иқтисодиётда нархлар ўсишининг жадаллашишига оид хавфлар сақланиб қолмоқда.

Энергия ресурслари тарифларининг оширилиши инфляцияга тўғридан-тўғри таъсири июнь ойининг ўзидаёқ намоён бўлди. Биринчидан, энергия ресурслари нархининг ошиши инфляция каналлари орқали бошқа товар ва хизматлар нархларига ҳам таъсир ўтказиши мумкин. Иккинчидан, ишлаб чиқариш ва транспорт харажатларининг кўпайиши бошқа товарлар нархига қўшимча босим юзага келтиради. Бир сўз билан айтганда, келгуси чоракларда инфляциянинг ўсиши айнан шу таҳлилларга асосланади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

СПОРТ

Футбол:

ЖАҲОНГИР ЎРОЗОВ ТРАНСФЕРИ РАСМАН ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Қозоннинг “Рубин” клуби Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳимоячиси Жаҳонгир Ўрозов трансферини эълон қилди. Футболчи Россия премьер лигаси клубига Самарқанднинг “Динамо” клубидан ижара асосида ўтди.

Шундай қилиб, Ўрозов Қозон клубида 2026 йилнинг охирига қадар тўп суради. Қолаверса, у янги жамоасида 13-рақамда ўйнайди.

Маълумот учун, Жаҳонгир Ўрозов АҚШ, Канада ва Мексика майдонларида бўлиб ўтган ЖЧ-2026 мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси шарафини муносиб ҳимоя қилган.

Аралаш яккакурашлар (MMA):

ОСИЁДА СПОРТЧИЛАРИМИЗ ТЕНГСИЗ



Индонезияда аралаш яккакурашлар (MMA) бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси энг юқори натижага қайди этиб, умумжамоа ҳисобида қитъанинг энг кучли жамоасига айланди.

Мазкур мусобақада юртимиз спортчилари 11 та олтин, 7 та кумуш ва 2 та бронза, жами 20 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга лойиқ топилди.

Маълумот учун, иккинчи ўринни 7 та олтин, 9 та кумуш ва 10 та бронза медал билан Қозоғистон спортчилари эгаллаган бўлса, кучли учликни 6 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медални қўлга киритган Қирғизистон терма жамоаси яқунлади.

Шахмат:

ГУЛРУҲБЕГИМ ТОҲИРЖОНОВА 1-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ



Испаниянинг Гранада шахрида ўтган “Granada Chess Open 2026” халқаро турнирида шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси Гулруҳбегим Тоҳиржонова мусобақа якунларига кўра, аёллар ўртасида 1-ўринни эгаллади.

Дунёнинг 48 давлатидан 353 нафар шахматчи иштирок этган очик халқаро турнирнинг 9 та турдан иборат баҳсларида Г.Тоҳиржонова 6 очко жамғарди.

Шахматчимизнинг ушбу натижаси аёллар ўртасидаги энг яхши ўрин сифатида эътироф этилди ва турнир давомида тўплаган очколари ҳисобида Г.Тоҳиржонова халқаро рейтингини 9,1 пунктга оширишга муваффақ бўлди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОН

Корхона ва ташкилотлар раҳбарларига!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши 12000 нусхада услубий қўлланма тайёрлатиш ва чоп этиш бўйича танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари 2026 йил 20 август кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

100029, Тошкент шахри, Мустақиллик майдони, 5/3.

Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар қўшимча маълумотларни (71) 239-19-73 телефон рақами орқали олишлари мумкин.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 837. 3711 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda